# Таъмирлаш ишларини бажариш ҳақида

# № 31146 сонли шартнома № 67.

Кува ш. «5» 07 2022 йил.

Низомга асосланиб фаолият кўрсатаётган Метал Бронзо Бренд МЧЖ номидан рахбар Ш.Низомотов, бундан кейин “Бажарувчи” деб аталувчи бир томондан ва иккинчи томондан , шартнома шартларига асосланиб фаолият кўрсатувчи, бундан буён “Буюртмачи” деб номланувчи Кува Дон Махсулотлари А.Ж қуйидаги мазмунда Низомдан рахбари А.Хошимов ушбу шартномани туздилар.

## 1. Шартнома талаби.

1.1.“Бажарувчи” ушбу шартномада кўзда тутилган муддат ичида “Буюртмачининг” топшириғига биноан 2022 йил 5 07 кунидан бошлаб 2022 йил 31 08 кунигача саноат ва иншоат биноларининг фасад қисмини таъмирлаб беришни ўз зиммасига олади.

## 2. Ишларни қиймати.

2.1. Ушбу шартномага биноан “Буюртмачи” бажарилган ишлар учун келишилган нарх баённомасига асосан “Бажарувчи”га Форма 2 ва Форма 3га асосан **сўм** пул ўтказиб беради.

## 3. Ҳисоб - китоб тартиби.

3.1. Тўлов қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) босқичма босқич аванс тўлови билан;

б) бир вақтнинг ўзида, тугатилган ишлар учун;

в) олдиндан 30 % тўлови. (з а р у р и ч и з и л с и н)

3.2. Тўловлар босқичма-босқич, аванс тўлови билан амалга оширладиган бўлса, “Буюртма-чи” “Бажарувчи”га ишларнинг келишилган ҳақини 30 % миқджорда аванс ўтказиб бериши лозим. Авансни ўтказилиши неча кунга кечиктирилса, ишни бошлаш ва шартномага кўра ишни топшириш муддати ҳам шунча кунга орқага сурилади.

## 4. ”Бажарувчининг” ҳуқуқлари.

**«Бажарувчи»қўйидагиларга ҳақлидир:**

4.1. Аванс тўлови ўтказилгандан сўнг ишларни бошлашга.

4.2. Агарда хукумат ёки қонун чиқарувчи органларнинг қарорига кўра ишларнинг қиймати ўзгарса ва “Буюртмачи” олдиндан келишилган нархнинг ўзгартирилишини хохламаса, бошланган ишлар бир томонлама тўхтатилади. Бу ҳолатда шартномага асосан бажарилган ишлар хажмига кўра ҳисоб–китоб қилинади.

4.3. Агарда тўловлар 1 ойдан кўп бўлган муддатга кечиктирилса, “Буюртмачи”га келишув қиймати кўрсатилган ва инфляция ўсиши хисобга олинган холда тулов қоғози тақдим этилади.

## 5. «Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари.

**“Буюртмачи” қуйидагиларга ҳақлидир:**

5.1. «Бажарувчи»нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда “Буюртмачи” ўзи ҳоҳлаган вақтда ишларнинг сифатини ва бажарилишини текширишга;

5.2. Агарда «Бажарувчи» ўз вақтида ушбу Шартномани бажаришга киришмаса, ушбу шартномадан воз кечишга.

5.3. «Бажарувчи»га камчиликларни бартараф этиш учун муддат белгилаш ва белгиланган муддат ичида “Бажарувчи” томондан талаб бажарилмаса, ушбу шартномадан воз кечишга.

5.4. “Буюртмачи” ишларни узурли сабабга кўра маълим бир муддатга тўхтатишга.

5.5. “Бажарувчи” ишларни топширишдан олдин, шартномадан воз кечишга, “Буюртмачи”дан шартномадан воз кечиш тўғрисидаги тушунтириш хати олишдан олдин қилинган ишлар хажмига мутаносиб холда баённомада белгиланган нархнинг маълум қисмини “Бажарувчи”га тўлашга.

## 6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

6.1. Ишлар бажарилгандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га бажарилган ишларнинг топшириш ва қабул қилиш далолатномасига илова қилиб бажарилган ишлар ва сарф қилинган материаллар тўғрисидаги форма 2 ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

6.2. Бажарилган ишлар ичида камчилик бўлса, томонлар ўзаро тугатилиши зарур бўлган ишларнинг рўйхати ва уларни бажариш муддати ва далолатнома тузадилар.

## 7. Айрим шартлар.

7.1. Агарда иш бажарилиш жараёнида ёки бажарилган ишни қабул қилиш вақтида “Бажарувчи”да қўшимча иш ва меҳнат сарфлаш зарур бўлиб қолса, уларни амалга ошириш ушбу шартномага қўшимча келишув тузилиб, унинг асосида иш амалга оширилади.

7.2. Агарда ишни (босқични) қабул қилиш вақтида бажарилган иш “Буюртмачи” нинг топшириғига ёки талабга тўғири келмаса, томонлар ўзаро далолатнома ва қай-та ишлаш керак бўлган ишлар рўйхатини тузишади. Ушбу рўйхатда бажарилиши зарур бўлгшан ишлар кўрсатилади ва ишларни “Бажарувчи” дастлаб келишилган нарх ҳисобидан бажаради.

## 8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномани бажариш жараёнида келиб чиқган низо ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар орқали хал этилади.

8.2. Агарда келишмовчиликлар музокора йўли билан бартараф этилса, томонлар амалдаги қонунчиликка биноан хўжалик судига мурожат этилиши мумкин.

## 9. Енгиб бўлмайдиган вазият, холат. (Форс-мажор).

9.1. Агар шартнома тузулгандан сўнг енгиб бўлмайдиган холат келиб чиқиши туфайли томонлар қисман ёки тўлиқлигича ушбу шартномани бажара олмаса ва бу енгиб бўлмайдиган холатни томонлар олдиндан пайқамаса ва уни олдини олиш чоралари бўлмаса, бу холатда томонлар жавобгарликдан озод этилади. Енгиб бўлмайдиган холатларига сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш, портлаш, ер чўкиши. Эпидемия ёки бошқа табий офатлар, шунингдек, харбий харакатлар, минтақада умумий иш ташлаш ва хоказолар хисобланади.

9.2. Енгиб бўлмайдиган ҳолат юзага келиши тўғирисида томонлар барча чоралар орқали 5 кун муддат ичида хабар берилиши зарур. Агарда ушбу ҳолат тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаса, айибдор томон жабирланувчига келтирилган зарарни тўла қоплйди.

9.3. Енгиб бўлмайдиган ҳолатни юзага келиши шартноманинг бажариш муддатини ушбу ҳолатнинг муддатига узайтирилади.

9.4. Агарда енгиб бўлмайдиганҳолат муносабати билан шартнома бажарилиши 3 ойдан ортиқ муддатга кечиктирилса, томонлар қисман ёки тўлалигича ўз мажбуриятларидан воз кечишга ҳақлидирлар.

## 10. Сўнги шартлар.

10.1. Ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида, қўшимча битим тузиш йўли билан киритилади.

10.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва шартноманинг барча шартлари тўлиқ амалга оширилганга қадар ўз кучини йўқотмайди.

10.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузулди ва уларнинг ҳар бири тенг хуқиқий кучга эга.

10.4. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йилнинг 31 декабиригача давом этади.

## Томонларнинг манзили ва реквизитлари.

***БАЖАРУВЧИ:***

Метал Бронза
Бренд МЧЖ

МФО: 01037
Х/р: 20208000305420037001
ИНН: (~~203641176~~) 308659684
ОКОНХ: ______
Тел. +998 ______

Директор: ______ Ю. Ниматов

МЎ.

***БУЮРТМАЧИ:***

АО “Кува дон махсулотлари”
Фаргона обл. Кува т. ул.Корабаева, 27 д.
Х/р:
МФО:
ИНН: 200125756
ОКОНХ:
Тел. +998

“QUVA DON MAXSULOTLARI” AJ
Em X/r:22626000000237145444
Bug'doy X/r:23208000700237145400
Un X/r:23208000900237145100
ATB “AGROBANK” QUVA FILIALI
MFO:00529 OKONX:19211 STIR:200125756
QUVA TUMANI, S.QORABOYEV 27. TEL:31-51-029

Директор: ______ А. Хожаев

МЎ